

КАНАДА АРҒУВОНИ (*CERCIS CANADENSIS*) КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Алимов Фазлиддин

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Дехқончилик ва ўрмон мелиорацияси” кафедраси ассистенти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6647198>

Аннотация. Мақолада Канада арғувони (*cercis canadensis*) кўчатларини етиштириш агротехнологияси тўғрисида қимматли илмий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Канада арғувони (*cercis canadensis*), кўчат, ўрмон, аҳоли яшаш жойлари, кўкаламзорлаштириш, дарахт, бута, тупроқ, тупроққа ишлов бериш.

ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ РАССАДЫ ШАЛФЕЯ КАНАДСКОГО (*CERCIS CANADENSIS*)

Аннотация. В статье приведены ценные научные сведения по агротехнике выращивания рассады органы канадской (*cercis canadensis*).

Ключевые слова: органа канадская (*cercis canadensis*), саженьцы, лес, местообитание, озеленение, дерево, кустарник, почва, обработка почвы.

TECHNOLOGY FOR GROWING CANADIAN SAGE (*CERCIS CANADENSIS*) SEEDLINGS

Abstract. The article provides valuable scientific information on the agrotechnology of growing Canadian argan (*cercis canadensis*) seedlings.

Keywords: Canadian argan (*cercis canadensis*), seedlings, forest, habitat, landscaping, tree, shrub, soil, tillage.

КИРИШ

Республикасимизда мустақиллик йилларида ўрмон майдонларимизни кенгайтириш, аҳоли яшаш жойлари, бино ва иншоотлар атрофи, турли даражадаги йўл атрофларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳукумат қарорларини бажаришда ўрмон хўжалиги корхоналарининг ўзига хос ўрни бўлиб, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боровчи буюртмачиларга ландшафт дизайнида фойдаланиладиган турли манзарали кўчатларни етказиб берувчи ҳисобланади. Ўрмон хўжаликлариде иқлимнинг турли нуқулай шароитларига чидамли, манзарали хусусиятлари юқори бўлган дарахт ва бута турларининг бир неча юзлаб турлари ўстирилади. Буларга, қрим қарағайи, виргин арчаси, шарқ биотаси, сохта каштан, япон сафораси, заранг ва шумтол турлари, гўзал каталпа, павловния, оқ акация, канада арғувони, ҳинд сирени, сурия атиргулини кўрсатишимиз мумкин. Ўзининг чиройли гуллаши, манзарали барглари, иқлимнинг салбий омилларига чидамлилиги тупроққа талабчан эмаслиги ҳамда бино ва йирик дарахтлар соясида ўса олиши билан кам сонли дарахтлар қаторида канада арғувони алоҳида аҳамият ва эътиборга эга.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзининг эрта гуллаши, чиройли пушти-бинафша рангли гулларининг дарахтнинг бутун танасини қоплаб олиши, тўқ яшил ялтироқ баргларининг кўриниши, қиш давомида эса оч жигарранг дуккаклари ушбу турга ўзгача кўрк бағишлайди. Шу сабабли, аҳоли ўртасида ҳам канада арғувонига бўлган қизиқиш юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда

барпо этилаётган ўрмонлар ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда, ушбу тур кўчатларини етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Канада арғувони кўчатларини ўстириш учун кўчатзор майдони тупроқ иқлим шароитига эътибор берилди. Кўчатзорлар учун жой танлашда асосан тупроқ, гидрологик, ер тузилиши шароитлари ҳамда ўстириб етиштирилдиган дарахт ва буталарнинг биологик хусусиятлари эътиборга олинади. Бундан ташқари суғориш манбаалари, машина ва механизмларидан фойдаланиш йўллари, санитария-гигиена талаблари, атрофда ўраб турган ўсимлик дунёси ҳисобга олинади. Кўчатзорни қишлоқ, шаҳар ва аҳоли яшайдиган масканлар яқинида ташкил этиш тавсия этилади. Ер тузилиши асосан текис, тупроқ унумдорлиги анчагина юқори, механик таркиби энгил, ер ости сувлари камида 1-1,5 м чуқурликда жойлашган бўлиши керак. Суғориладиган зоналарда кўчатларни тузи кам бўлган оч кулранг тупроқларда ва юқори қатламида чириндиси 2 фоиздан кам бўлмаган жойларда ташкил қилиш керак. Суғориш ариқларининг узунлиги кўчат экилган ва уруғ сепилган тупроқ ва ер шароитига қараб 50-100 м дан 200 гача бўлади. Агарда кўчатзор барпо этиш учун мўлжаллаб, ажратилган жойларда тупроқнинг шўрлиги таркибида CO_2 иони 0,02%, HCO_3^- - 0,12% Cl^- - 0,03%, pH - 0,05% дан, ер ости сувларининг минерализацияси 3 г дан ошиб кетган бўлса, ундай ерларда ниҳолхона ташкил қилиш бутунлай ман этилади. Ажратилган жойларда 5% касаллик ва ҳашоратлар мавжуд бўлса, бу шароитда ўсимликларни муҳофаза қилишнинг турли тадбирлари амалга оширилади. Кўчатзорларда тупроққа ишлов бериш дарахт ва бута ниҳолларини ўстиришда муҳим бўғин ҳисобланади. Маълумки тупроқлар ҳар хил унумдорликка эга, у эса ўз навбатида тупроқнинг келиб чиқиши, иқлимнинг, ўсимликларнинг, микроорганизмларнинг ва деҳқончилик маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Парваришланадиган кўчатларнинг ҳаётий шароити агротехник тадбирлар билан тартибга солинади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тупроққа ишлов беришдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

Тупроқнинг ҳайдов қатламини ва структурасининг тузилишини ўзгариши натижасида қулай намлик, ҳаво, иссиқлик, озикланиш режимини таъминлаш;

Тупроқнинг пастки қатламларидан озик моддалар тортиб олиш ҳисобига уларнинг айланишини кучайтириш ва микробиологик жараёнларга керакли йўналишда таъсир қилдириш;

Касалликларга ва зараркунандаларга дучор бўлган бегона ўтларни йўқотиш;

Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш;

Уруғларини экиш учун қулай шароитлар яратиш;

Тупроқдаги ўсимлик қолдиқларини ва ўғитларни аралаштириш.

Кўчатзор ташкил этишда биринчи навбатда, ажратилган ер майдонини текислаш зарур. Чунки нотекис жойларда ниҳолларни суғориш муаммо туғдиради, баъзи пайтларда текис суғорилмаслик натижасида уруғларнинг униб чиқиши паст бўлади, ниҳолларнинг ўсиши ёмонлашади. Тупроққа ишлов бериш деганда ерни ҳайдаш, бороналаш, молалаш ва культивация қилиш тушинилади.

Тупроққа асосий ишлов бериш тури, ерни ағдариб ҳайдаш ҳисобланади. Агар куз даврида ёғингарчилик кам бўлиб, тупроқ жуда қуруқ бўлса, у ҳолда ерни ҳайдашдан олдин албатта суғориш лозим. Эрта баҳорда эса, тўпланган намликни сақлаш мақсадида,

тупроқнинг юқориги қатламини бороналанади ва бу ўз йўлида йиғилган тузларни тупроқни юқори қатламга кўтаришини камайтиради. Агар тупроқ жуда ҳам жипслашган бўлса, 18 см чуқурликгача юмшатиқлар ёрдамида юмшатиб бороналаш ёки молалаш керак. Канада арғувони кўчатзориди асосан кузда ва уруғ сепишдан олдин ерлар тайёрланади. Асосий тупроқни тайёрлаш учун ерларни кузда, эрта кўкламда шудгорланади. Ерни плуг ва плуголди мосламаси билан 27-30 см чуқурликда ҳайдалади.

МУҲОКАМА

Шундай қилиб ҳайдалганда кузги-қишки ёғингарчиликдан ерда кўпроқ нам йиғилади, касалликлар ва зараркунандалар нобуд бўлиб, ҳар хил зарарли ўтларнинг илдизлари қурийдди. Ерни эрта кўкламда тайёрлашнинг кузга шудгорлашдан фарқи уларни бирданига бороналашдан иборатдир. Ерларни кўкламги уруғ сепиш 15-20 см чуқурликда ҳайдалади. Бизнинг шароитда канада арғувони уруғларини сепишдан олдин майдон ҳолатидан келиб чиқиб, кузги шудгор усулида тупроққа ишлов берилади. Бунда майдон кузда ПЛН – 4-35 плагинидан фойдаланган ҳолда ҳайдалади. Баҳорда майдон чизилланади, барона тортилади, молаланади. Сўнгра, экиш жўяклари КРСШ-2,8 тиркамаси ёрдамида олинади. Жўяклар ораси 0,7 м ни ташкил қилади. Шулар билан бир қаторда суғориш тармоқлари ҳам барпо қилинади. Бир йиллик уруғкўчатлар парваришлаш бўлимига кўчириб ўтказилади ва барча агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли қилиб олиб борилиши лозим. Кўчатларни ўсиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида ҳар хил парваришлаш ишлари олиб борилади. Канада арғувони кўчатларини парваришлаш усулари асосан суғориш, ёввойи ўтлардан тозалаш, тупроқни юмшатиш, ўғит беришдан иборат. Айниқса, ёввойи ўтларни олиб ташлаш, тупроқни юмшатиш кўчатларни ривожланиши, ўсиши учун яхши шароит туғдирилади. Бу бегона ўт-ўланлардан тозаланганда намлик сақланади, озиқа моддалар фақат кўчатлар томонидан ўзлаштирилади. Канада арғувони кўчатхонаси 600-800 куб м³/га миқдориди суғорилади. Кўчатларни нормал парваришлаш мақсадида 8-9 марта вегетация даврида суғориш керак (май ойида 1-2, июнда – 2, июлда – 2-3, августда – 2-3, марта). Ер остиди 30-40 см тошлок бўлиб оч кулранг, кулранг ёки қўнғир тупроқли ерларнинг суғориш нормаси бир гектарига 400-500 куб м³ ни ташкил қилиши керак. Аммо суғоришни май ойидан то августгача ҳар 15-20 кунда ўтказиш лозим. Ҳар бир суғоришдан 2-3 кун ўтгандан кейин қатор оралари культиваторлар ёрдамида 10-15 см чуқурликда юмшатилади. Ниҳоллар ўсиш даврида қаторларни юмшатиш ва бегона ўт – ўланлардан тозалаш ишлари 3-4 мартаба қайтарилади. Барча агротехник парваришлаш тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, кўчатларни кузда маданий ўрмонлар барпо этишда фойдаланиш мумкин. Кўчатхонанинг парваришлаш бўлимида канада арғувони кўчатларини жойлаштиришнинг мақбул схемасини аниқлаш мақсадида уларни 0,7x0,15; 0,7x0,2; 0,7x0,25; 0,7x0,3; 0,7x0,4 м схемада жойлаштирдик. 0,7x0,15м схема назорат варианты сифатида белгиланди. Ҳар бир вариантга 10 тадан кўчат уч такрорийликда жойлаштирилди. Бир йиллик уруғкўчатлар (бўйи 0,3 м) кузда кўчатхонанинг парваришлаш бўлиmidан кўчириб ўтказилди. Барча вариантларга бир хил стандарт агротехник парваришлаш тадбирлари ўтказилди. Ушбу тажрибамиз орқали Канада арғувони кўчатларининг илдиз бўйни диаметри, бўйига ўсиши кузатилди ва кўчатхонанинг парваришлаш бўлимида мақбул схемада жойлаштириш схемаси аниқланди. Кўчатхонанинг парваришлаш бўлимида кўчатларни ўсиш

кўрсаткичлари тахлили бўйича 0,7x0,15 ва 0,7x2 м, яъни кўчат ораси энг яқин жойлаштирилганда уларнинг ўсиши бошқа кўчатларга нисбатан деярли фарқ қилмайди, аммо уларнинг танаси жуда нозик бўлиши кузатилди. 0,7x0,3 ва 0,7x0,4 м схемали кўчатларда тананинг қалинлашиб кетганини кузатдик. 0,7x0,25 м схемада экилган кўчатларда бўй жиҳатидан катта схемаларда жойлашган кўчатлар билан кўрсаткичлар яқин ва тана ҳам яхши ривожланган бўлиб ўта йўғонлашиб кетмаганлиги кузатилди.

Канада арғувони кўчатларини кўчатхонанинг парваришlash бўлимида ўстиришнинг мақбул схемасини аниқлаш

Вариантлар	Кўчат жойлаштириш схемаси, м	Илдиз бўйни, мм	Бўйи, м
I	0,7x0,15	5	1,34
II	0,7x0,2	6	1,34
III	0,7x0,25	10	1,58
IV	0,7x0,3	16	1,61
V	0,7x0,4	18	1,62

ХУЛОСА

Кўчатлар эрта баҳорда, вегетация даври бошланмасидан олдин ковланади. Кўчатлар махсус «OLIVER SP 2000 TXC», «SP 96» каби ковлалгич машина ва механизмлар билан қазиб олинади (8, 9а ва 9б-расмлар). OLIVER SP 2000 TXC қозиш машинаси тупроққа қайта ишлов берган ҳолда диаметри 0,6 м бўлган икки қаторли кўчатларни 72 та вольфрамкарбид тишлари билан қазиб олади. Ажойиб махсус чўзилган ва тебранадиған мослама ёрдамида ўсимликлар тупроқдан ажратиб олинади ва конвейр усулида йиғилади. Шунингдек SP 96 кўчат қозиш машинаси ҳам кўчатхоналар учун ўта самарали бўлиб, у қаттиқ, лой ва оғир тупроқли кўчатхоналар учун мўлжалланган. У 100-120 от кучига эга тракторга уланган ҳолда 1 кунда 20 000 дона илдиз чуқурлиги 35-40 см бўлган кўчатларни қазиб олиш имконини беради.

Фойдаланилган манбалар

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-2966 сонли қарори.
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-5041 сонли фармони.
3. Хоназаров А.А. Ўрмончилар учун қўлланма. Т. 1999.
4. Мулкиджанян Я.И., Теодоровский В.С. - Основные понятия и термины по зеленому строительству. М., 1984.
5. Набиев М., Казакбаев Р. Редкие деревья и кустарники Ташкента и их охрана. Т. 1973
6. Новосельцева А.И., Родин А.Р. Справочник по лесным культурам. М., Лесная промышленность. 1984, 308 с.